

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯРМАТОВ РАХИМБОЙ БАХРАМОВИЧ**

**БЎЛАЖАК ТАРИХ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ МЕТОДИК  
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тарих)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Ярматов Рахимбой Бахрамович**

Бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини  
такомиллаштириш..... 3

**Ярматов Рахимбой Бахрамович**

Совершенствование профессиональной методической подготовки  
будущих преподавателей истории..... 31

**Yarmatov Rahimboy Bahramovich**

The improvement of professional methodological preparation of future  
history teachers..... 61

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 66

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯРМАТОВ РАХИМБОЙ БАХРАМОВИЧ**

**БЎЛАЖАК ТАРИХ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ МЕТОДИК  
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тарих)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Ped112 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Топшент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ҳамда «ZiyoNeb» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:**

**Исакулова Нилуфар Жаникуловна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расулов Бахтиёр Махмуджонович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Княмов Нишон Садиқович**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражаларни берувчи DSc.03/30.12.2019.Tag.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «20» «12» соат 10<sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Топшент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория.) Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида таъинини мумкин (172 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Топшент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Боп бино). Тел.: (99871) 236-46-55, факс: (99871) 246-02-04.

Диссертация автореферати 2021 йил «07» 12 кунни тарқатилди.  
(2021 йил «07» 12 даги 17 рақамли ресстр баённомаси билан).



**А.Э. Юнусова**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси т.ф.д., профессор.

**Б.В. Хайназаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доц.

**Б.У. Мусаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби илмий семинар  
раиси т.ф.д., профессор.

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда бўлажак тарих ўқитувчиларининг инновацион фаолияти касбий компетентлиги ва методик тайёргарлигини такомиллаштириш, ўзини ўзи касбий ривожлантиришга бўлган эҳтиёжини янада кучайтиради. Бу борада тарих ўқитувчиларининг назарий тайёргарлиги, амалий тайёргарлиги, комплекс тайёрлаш, таълим амалиёти вариативлиги, инновацион муҳитда техника воситаларидан фойдаланиш, комплекс ривожланиш, мультимедиа тасвири маълумотларни қўллаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда тарих ўқитувчиларининг педагогик маҳорати, педагогик фаолияти, ўқитиш технологияси ва методикаси, ҳамкорликда ўқитиш, тарих таълимининг тараққий этиш босқичлари, касбий методик тайёргарликни шакллантириш тамойиллари, тарихий адабиётлар, услубий адабиётлар таҳлили бўйича тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан тарих ўқитиш назарияси, бўлажак тарих ўқитувчисининг фаолият тузилмаси, касбий сифатлари, касбий тайёргарлиги, педагогик қобилияти, касбий компетентлиги, касбий фаолиятини ривожлантириш ҳамда ривожлантирувчи таълим методикалари асосида дастурли таълим, методик тизим, касбий методик йўналтирилганлик, тарих ўқитиш воситалари, илмий асосли адабиётларни такомиллаштириш заруриятини изоҳлайди.

Республикада олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳаси, мутахассис кадрлар, илғор технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг меъёрий асосларини яратиш алоҳида аҳамиятга моликдир. “Педагог кадрларнинг касбий маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш”, “Халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиш ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун шарт-шароитлар яратиш” каби муҳим вазифалар белгиланди<sup>1</sup>. Бунда бўлажак тарих ўқитувчиларини тайёрлашда уларнинг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштириб бориш механизмларини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5847-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5847-сон Фармони. 2019 йил 8 октябрь // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3105-сон, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларни мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги «Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 792-сон Қарорлари ҳамда мазкур масалага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Таълим коммуникациялари ва технологиялари ассоциацияси (АҚШ), Колумбия университети (АҚШ), Сорбонна университети (Франция), Фрайбург университети (Германия), Белфилд педагогика университети (Германия), Манчестер университети қошидаги педагогик малака ошириш маркази (Буюк Британия), Сеул миллий университети (Жанубий Корея), Чунанг университети (Жанубий Корея), Москва давлат педагогика университети (Россия) да олиб борилмоқда.

Бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: халқаро ҳамкорликни амалга оширишнинг ташкилий ва стратегик механизмлари касбий методик тайёргарлигини ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган (Таълим коммуникациялари ва технологиялари ассоциацияси); педагогика олий таълим муассасаси бўлажак тарих ўқитувчиларини тьюторлик фаолиятига тайёрлаш тизимининг самарали фаолият кўрсатиш механизмлари касбий методик тайёргарликни

---

<sup>2</sup> Мазкур қисм Botcheva, L., Shih, J., Huffman, L. C. Emphasizing Cultural Competence in Evaluation: A Process-Oriented Approach / L. Botcheva, J. Shih, L.C. Huffman // American Journal of Evaluation. 2009. Volume 30. №2. P. 176-188; Якушева С.Д. Основы педагогического мастерства. – Москва, Академия, 2012. – С. 256; Якушева.С.Д. Основы педагогического мастерства: Учебное пособие. // Под ред. И.А.Зязюна – М.: Просвещение, 2012. – 302 с.; Никитина Н.Н. Введение в педагогическую деятельность: Теория и практика. Учебное пособие. – М.: Издательский центр Академия, 2008.- 224 с.; Современные образовательные технологии: Учебное пособие. // Под ред. Н.В.Бордонской – М.: КНОРУС, 2013. – 432 с. каби манбаларга асосланиб ёзилди.

ривожлантириш асосида такомиллаштирилган (Белфилд педагогика университети); ўқитувчи касбий маҳоратини ривожлантиришнинг ташкилий-тузилмали модели яратилган (Манчестер университети қошидаги педагогик малака ошириш маркази); бўлажак ўқитувчиларнинг тадқиқотчилик кўникма ва малакаларини ривожлантириш технологиялари ишлаб чиқилган (Колумбия университети, Сорбонна университети, Фрайбург университети); талабаларда илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришнинг лойиҳавий-конструктив технологиялари яратилган (Чунанг университети); бўлажак тарих ўқитувчиларида ўз касбига садоқатлилиқ позициясини ривожлантиришнинг коллаборатив технологиялари ишлаб чиқилган (Москва давлат педагогика университети).

Тараққий этган давлатларда бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини ривожлантириш; бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий фаолиятини замонавий талаблар даражасида бошқаришни таъминлаш; бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини ташкил этишда инновацион ёндашиш; бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини ташкил этишнинг самарали механизмларини такомиллаштириш; бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** О.Ғ.Давлатов, А.Ф.Исмаилов, Қ.Р.Шоназаров бўлажак тарих ўқитувчиларининг мактаб ўқувчиларида тарихий тафаккурни шакллантиришга тайёрлаш ва методик тайёргарлик ишлари бўйича илмий тадқиқот ишлар олиб боришган<sup>3</sup>.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида Б.А.Абдыкаримов, А.М.Абдыров, Г.Д.Баубекова, В.И.Андреев, С.Д.Якушева, Н.Н.Никитина, Г.В.Брагина, В.В.Давыдов, В.Е.Жабакоев, Л.В.Занина, Н.П.Меньшиков, М.В.Корепанова, И.Д.Лушникова, И.П.Раченко, В.П.Симонов, Н.Н.Тарасевич, И.Ф.Кривонос, С.Б.Елканов, Ю.Н.Кулюткинлар таълим олувчиларнинг илмий ижодини ташкил этиш, узлуксиз касбий таълим тизимида илмий ижод жараёни ривожланишининг самарали методларини ишлаб чиқишган<sup>4</sup>. Тарих

<sup>3</sup> Давлатов О.Ғ. Талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини тарихий-маданий мерос воситасида ривожлантириш: Автореф. пед.фан.бўйича фал.док. – Тошкент, 2018. – 57 б.; Исмаилов А.Ф. Академик лицейларда тарих фанини ўқитишнинг инновацион технологияларини такомиллаштириш: Автореф. пед.фан.бўйича фал.док. – Тошкент, 2018. – 50 б.; Шоназаров Қ.Р. Бўлажак тарих ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида тарихий тафаккурни шакллантиришга тайёрлаш. Дисс.пед.ф.н. –Тошкент, 2002. -134 б.

<sup>4</sup> Абдыкаримов Б.А., Абдыров А.М., Баубекова Г.Д. Профессиональная педагогика: Учебное пособие. – Астана, КазАТУ, 2008. – 367 с.; Андреев В.И. Педагогика творческого саморазвития. – Казань: Изд-во КГУ, 1996. – 568 с.; Якушева С.Д. Основы педагогического мастерства. – Москва, Академия, 2012. – С. 256.; Основы педагогического мастерства: Учебное пособие. //Под ред. Зязюна И.А.– М.; Просвещение, 2012. – 302 с.; Никитина Н.Н. Введение в педагогическую деятельность: Теория и практика. Учебное пособие. – М.: 224 с.; Брагина Г.В. Мастерство учителя на уроке. – М.: Творческая педагогика, 1992. – 40 с.; Давыдов В.В. Теория развивающего обучения. – М.: ИНТОР, 1996. – 544 с.; Жабакоев В.Е. Педагогическое мастерство учителя физической культуры. /Учебное пособие. – Челябинск: изд-тво Южно-Уральского ГПУ, 2016. – 195 с.; Занина Л.В., Меньшиков Н.П. Основы педагогического мастерства. /Серия “Учебники, учебные

ўқитувчиларини касбий тайёрлашга янги ёндашувларни яратиш муаммоларига Л.Н.Алексашина, В.В.Барабанов, П.А.Баранов, Л.С.Бахмутова, Е.Е.Вяземский, О.Ю.Стрелова, М.В.Короткова, М.Т.Студеникин, Н.Н.Лазукова, Е.М.Персанова, А.Л.Мирзагитова ва бошқалар ишлари бағишланган<sup>5</sup>.

Европа мамлакатларида бўлажак тарих ўқитувчиларини методик тайёрлаш бўйича J.Anderson, D.Blazar, S.A.Henry (Америка), K.Halbert (Англия), Helen Timperley (Янги Зеландия) каби олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар<sup>6</sup>.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштириш зарурати тадқиқотимиз мавзусини белгилаб берди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети Кенгашининг 2016 йил 22 декабрдаги 6-сонли қарори билан тасдиқланган “Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида 2017-2021 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқотлар ишларини ривожлантириш Бош стратегияси”нинг 20-бандида белгиланган “Узлуксиз таълим тизимида тарих фани ва уни ўқитиш методикасини такомиллаштириш” устувор йўналиш доирасида бажарилган.

---

пособия”. – Ростов н/Д: Феникс, 2003.-288 с.;Корепанова М.В. Основы педагогического мастерства: учебник для студентов. 2-е изд. – М.: Издательский центр «Академия», 2012. – 240 с.; Лушникова И.Д. Педагогические основы профессионально-личностного развития учителя на послевузовском этапе. //Автореф. дисс. док. пед. наук – М.:1993. 32 с.; Раченко И.П. Диагностика развития педагогического творчество учителя. – Пятигорск, 1992. – 196 с.; Симонов В.П. Диагностика личности и профессионального мастерства преподавателя. – М.: МПА, 1995.- 189 с.; Тарасевич Н.Н., Кривонос И.Ф. Учителю о педагогической технике. – М.: Педагогика, 1987. – 216 с.; Елканов С.Б. Основы профессионального самовоспитания будущего учителя. – М.: Просвещение, 1989. – 190 с.; Кулюткин Ю.Н. Развитие творческого потенциала учителя в процессе его последипломного образования // Проблемы непрерывного образования. – Псков: 1995. -№4. – С. 3.

<sup>5</sup> Алексашина Л.Н. Дидактические аспекты преподавания истории // Педагогика. - 1993. -№ 3. - С. 11-16.; Барабанов В.В., Баранов П.А. История как учебный предмет в современной системе образования России // Современные подходы в преподавании истории: Материалы международного семинара / Под ред. Г.А. Бордовского. - СПб.: Образование, 1996. - С. 39-51.; Бахмутова Л.С. Методическая подготовка будущего учителя // Преподавание истории и обществознания в школе. - 2000. - №3. - С. 63-75.; Вяземский Е.Е. Реформирование школьного исторического образования в 90-е гг.: достижения, проблемы, перспективы // Преподавание истории и обществознания в школе. - 2000. - № 3. - С. 58-63.; Вяземский Е.Е., Стрелова О.Ю. Методические рекомендации учителю истории в школе: Практ. пособие. - М.: Владос, 1999. - 177 с.; Короткова М.В., Студеникин М.Т. Методика обучения истории в схемах таблицах описаниях (Практические пособие для учителей). – М.: Владос, 1999. – 192 с.; Лазукова Н.Н. Программа учебного курса «Предметные технологии: обучение истории» // Информ. бюл. Учеб.метод. объедин. по общим проблемам пед. образования. Вып. 2(19). - СПб.: Образование, 1999.; Персанова Е.М. Художественная литература при изучении всеобщей истории. В кн.: Исторические записки. Вып 1. – Пенза, 1997. -87 с.; Мирзагитова А.Л. Формирование дидактической культуры будущего учителя истории.: Дис. ... канд. пед. наук. – ФГАОУВО, 2017. – 254 с.

<sup>6</sup> Anderson J. (2005). The perceptions of students, Teachers and Parents regarding Values of the LIFESKILLS and Lifelong Guidelines Program. Unpublished. Dissertation, East Tennessee State University.; Blazar David. 2016. Teacher and Teaching Effects on Students' Academic Performance, Attitudes, and Behaviors. Doctoral dissertation, Harvard Graduate School of Education.; Henry S.A. (1987): A study of the relationship among selected factors affecting Kentucky teacher's instructional technology use in the elementary classroom. University of Kentucky: Dissertations Abstracts International, 48/12A, 3094 (186 pp).; Halbert Kelsey (2009) History teaching and the values agenda. PhD thesis, James Cook University.; Helen Timperley and ... Teacher Professional Learning and Development Published by the Ministry of Education, Box 1666, Wellington, New Zealand 6140. www.minedu.govt.nz, Copyright © Crown 2007 (New Zealand).



**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг назарий-методологик асосларини таҳлил қилиш;

бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришда лойихалаштиришдан фойдаланиш;

бўлажак тарих ўқитувчилари касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг полифактор моделини такомиллаштириш;

“Тарих таълимида интегратив технологиялар” махсус курсининг методик таъминотини яратиш;

“Тарих” фани бўйича иқтидорли талабаларни танлаш, тарбиялаш – илмий-тадқиқот фаолияти ва фан билан ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида ўрганиш;

педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Андижон давлат университети, Бухоро давлат университети, Жиззах давлат педагогика институтининг 857 нафар талабалари жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштириш жараёни мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойихалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар).

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инновацион ёндашув асосида бўлажак тарих ўқитувчиларини касбий методик тайёрлаш жараёни имитацион технологиялари (тренинг, дебат, лойихалаш) интеграциясига устуворлик бериш орқали такомиллаштирилган;

бўлажак тарих ўқитувчисининг касбий методик тайёргарлик кўрсаткичлари даражаси когнитив, индивидуал, ижодий ташхис этиш компонентларига устуворлик бериш орқали баҳолаш портфолио технологиялари (диагностик, мотивацион, ривожлантириш, коррекциялаш) ишлаб чиқилган;

бўлажак тарих ўқитувчилари касбий методик тайёргарлигининг полифактор модели касбий йўналтирилган муҳит ва шахсий-фаолиятли

ёндашувлар орқали тарих фани бўйича тадқиқотларга устуворлик бериш орқали такомиллаштирилган;

муаммоли-интегратив ёндашув бўйича бўлажак тарих ўқитувчиларининг тадқиқотчилик компетентлиги лойиҳаланадиган таълим сифатининг интегратив кўрсаткичлари (махсус, психологик-методик, хусусий-методик, технологик-методик) орқали такомиллаштирилган;

бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлиги назарий-методологик, фанлараро ёндашувларга ҳамда тарихийлик ва холислик тамойилларига асосланган ҳолда тизимли касбий тайёргарлик сифати индивидуал таълим траекториялари (мазмунли, фаолиятли, жараёнли)ни ижодкорлик ёндашувига хос такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

“Тарих таълимида интегратив технологиялар” махсус курсининг методик таъминоти яратилган;

бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришга доир касбий-педагогик фаолиятни ташкил қилишнинг дидактик таъминоти ишлаб чиқилган;

бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштириш механизмлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** билиш назарияси методологияси ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларининг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги; тажриба-синов ишларининг таҳлили ва тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги; хулоса ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ қилингани; олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари, тарих таълимида илмий ижод, тадқиқотчилик компетентлигининг ўзига хос хусусиятлари, иқтидорли талабаларни танлаш, тарбиялаш мезонлари ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шу билан аниқланадики, педагогика олий таълим муассасаларида “Тарих ўқитиш методикаси” таълим йўналиши бўйича умумкасбий ва ихтисослик фанларнинг дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг лойиҳалаштириш босқичлари, полифактор модели, “Тарих таълимида интегратив технологиялар” махсус курсининг методик таъминотидан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича илмий натижалар асосида:

бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигида аниқланган интеллектуал ижодий тафаккурни ривожлантирувчи яратувчанлик фаолияти структурасидан “Ўзстандарт” агентлигининг 2014 йил 18 сентябрдаги 4574-сон қарори билан тасдиқланган бакалаврият йўналишлари “Педагогика соҳаси” Давлат таълим стандарти, малака талаблари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 21 августдаги 303-сон, 2017 йил 24 августдаги 603-сон буйруқлари). Мазкур компетенциялар педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг методик билимларини оширишга хизмат қилган;

когнитив, индивидуал, ижодий ташхис этиш компонентлари орқали бўлажак тарих ўқитувчисининг аниқланган касбий методик тайёргарлик даражаси кўрсаткичларидан “Тарих ўқитиш методикаси” дарслиги мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 февралдаги 89-03-727-сон маълумотномаси). Мазкур дарслик республика олий таълим муассасаларида бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришга хизмат қилган;

касбий йўналтирилган муҳит ва шахсий-фаолиятли ёндашувлар орқали такомиллашган бўлажак тарих ўқитувчилари касбий методик тайёргарлигининг полифактор моделига оид таклифлар А-1-121 рақамли “Миллий тарбия ва ёшлар дунёқарашини шакллантириш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 февралдаги 89-03-727-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштириш имконияти кенгайтирилган;

лойиҳаланадиган таълим сифатининг интегратив кўрсаткичлари орқали такомиллашган бўлажак тарих ўқитувчиларининг тадқиқотчилик компетентлигига оид таклифлар КА1-002 рақамли “Узлуксиз таълимнинг касбга йўналтирилган мазмунини класстер технологиялари асосида ишлаб чиқиш ва жорий этиш” номли (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 февралдаги 89-03-727-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак тарих ўқитувчилари халқаро стандартлар ва миллий тадқиқотчилик компетентлигининг педагогик мониторингини ўтказиш методикасини такомиллаштириш имконияти яратилган;

бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлиги механизмлари орқали илк бора ишлаб чиқилган махсус курсларнинг методик таъминотидан “Тарих ўқитиш методикаси” дарслиги мазмунига

сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 февралдаги 89-03-727-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини ривожланганлик даражасини аниқлаш тизими такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 8 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 20 та мақола (16 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 224 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак тарих ўқитувчилари касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида касбий-методик тайёргарлик тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти, бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришда илмий ижоддан фойдаланиш ҳамда касбий-методик тайёргарлик тизими бўлажак ўқитувчи-тадқиқотчини тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари баён қилинган.

Бўлажак тарих ўқитувчиларини илмий ижодга жалб этиш орқали уларнинг тадқиқотчилик компетентликларини шакллантириш муаммоси олий таълимнинг долзарб ва муҳим вазифаси ҳисобланиб, бу олий таълим вазирлигининг меъёрий ҳужжатларида бир неча бор таъкидланган. Олий таълим давлат стандартининг “5110600-Тарих ўқитиш методикаси” таълим йўналиши бўйича битирувчиларни тайёрлаш даражаси қўйиладиган малака талабларда, педагогика олий таълим муассасаси тарих таълими йўналиши бўлажак тарих ўқитувчиси узлуксиз таълим тизимидаги таълим

муассасаларида ишлаш учун тайёрланиши кўрсатилган. Бўлажак тарих ўқитувчиси касбий фаолиятида ўқитувчилик, илмий-методик, ижтимоий-педагогик, тарбиявий, маданий-маърифий, коррекцион-ривожлантирувчи ва бошқарув фаолияти бўйича амалий кўникма ва малакаларини ҳар томонлама ривожлантириш йўллари белгилаб олиши талаб қилинади.

Бўлажак тарих ўқитувчисининг касбий методик тайёргарлик ишларини лойиҳалаштириш ва амалга оширишга замонавий концептуал ёндашувлар таҳлили замонавий босқичда қатор камчиликларнинг мавжудлигини кўрсатади:

ўқув жараёнида бўлажак тарих ўқитувчиларини илмий ижодга жалб этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари етарли ишлаб чиқилмаган;

мураккаблик даражаси ўсиб боровчи тадқиқот лойиҳа вазифаларидан ташкил топган касбий методик тайёргарлик иши дастурлари деярли ишлаб чиқилмаган;

бўлажак тарих ўқитувчисининг касбий методик тайёргарлик иши шаклларида бири сифатида махсус курслар мазмунини танлаш муаммоси ҳал этилмаган, бунда махсус курс дастурлари тарих фани соҳасида янги ютуқлар инobatга олинмаган ҳолда шакллантирилган;

бўлажак тарих ўқитувчилари тадқиқотчилик компетентлигини шакллантиришга йўналтирилган ўқитишнинг инновацион шакллари ва методлари етарлича тўлиқ қўлланилмаган.

Бундан ташқари, бўлажак тарих ўқитувчисининг касбий методик тайёргарлик ишларини такомиллаштиришнинг назарий-методологик ва ташкилий-методик асосларини ишлаб чиқишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

узлуксиз малакавий амалиётда бўлажак тарих ўқитувчисининг илмий ижодга жалб этиш методи ва бўлажак тарих ўқитувчисини касбий тайёрлашга қўйиладиган замонавий талабларни мувофиқлаштириш;

бўлажак тарих ўқитувчисининг касбий методик тайёргарлик ишларини такомиллаштириш воситаларини излашнинг объектив зарурати ва олий таълимда мазкур илмий асосда ишлаб чиқиш;

бўлажак тарих ўқитувчиларини тайёрлашга қаратилган тадқиқотчилик вазифаларидан фойдаланишнинг мавжуд амалиёти ва тизимли методологик асослари ҳамда мос таълимий интегратив технологияларни ишлаб чиқиш ва жараёнга татбиқ этиш.

Ўқитувчининг касбий компетентлигининг асосий компонентлари орасида тадқиқотчилик компоненти алоҳида ўрин эгаллайди. Тадқиқотчилик компоненти бўлажак мутахассисларнинг нафақат асосий билимлар ва кўникмаларини эгаллашларини, балки изланишлар, тадқиқотчилик хусусиятидаги ижодий фаолият учун зарур бўлган билимларни ҳам эгаллашни кўзда тутади. Бўлажак мутахассиснинг тадқиқотчилик компетентлигини шакллантиришни биз назарий билимлар ва амалий кўникмаларнинг юқори даражасининг, шунингдек, мустақил тадқиқотчилик

фаолиятини ташкил этиш кўникмаларининг мавжудлигини талаб этувчи тадқиқот фаолиятига тайёргарлик сифатида белгилаймиз.

Тадқиқотчилик компетентлигини шакллантириш бўлажак мутахассисларнинг мазкур фан воситалари билан янги илмий билимларни излаб топишнинг мантиқий табиати, фанда ишлаб чиқилган тадқиқотчилик воситасининг барча мажмуини эгаллаш ва бу асосда – замонавий илмий билимнинг эвристик ғояларини ижодий идрок этиш тўғрисида равшан тасаввурларни назарда тутати. Фикримизча, таълим-тарбия жараёнларида таълим олувчиларнинг фаолиятларини такомиллаштириш ва таълим-тарбия жараёнларининг самарадорлигини оширишнинг энг асосий шартларидан бири ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш заруратидир. Ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти – янгиликларни излаш, ўрганиш ва уларга таянган ҳолда илмий асосланган маълумотлардан фойдаланиш, педагогик, психологик ва ижтимоий-иқтисодий янгиликларни ўзлаштириш асосида таълим-тарбия жараёнига инновацион ёндашув технологияларини жорий этиш орқали педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлаш ҳисобланади.

Таълим олувчилар сифати якуний натижага таъсир этувчи энг асосий ва муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Чунки, таълим жараёни марказида айнан билим истеъмолчилари - таълим олувчилар туради. Айнан шулар учун машғулотлар ўтилади, ўқув адабиётлари ёзилади, замонавий таълим технологиялари ишлаб чиқилади. Шу сабабли таълим сифатини белгилашда таълим олувчилар сифатига ҳам эътибор қаратиш зарур ва шартдир. Чунки таълим жараёни натижасида айнан ана шулар охириги сифатли интеллектуал маҳсулот (кадр)ни бериши лозим. Таълим олувчилар сифатини қуйидаги кўрсаткичлар билан баҳолаш мумкин:

- ўқиётган йўналиши бўйича касбий билим даражаси;
- ахборот (компьютер) технологияларини билиш даражаси;
- чет тили бўйича билими;
- муайян йўналиш (мутахассислик) бўйича ўқишга иштиёқи, қизиқиши;
- интеллекти (ақл, идрок ва заковати);
- маънавияти;
- иқтидори;
- хотира қобилияти;
- тартиб-интизоми;
- талабчанлиги;
- иш қобилияти;
- кузатувчанлиги;
- ўз мавқеини режалаштириши.

Шунингдек, иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури ҳамда таълим грантлари дастури иқтидорли, ташаббускор, фаол ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси ҳамда Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва Имом ал-

Бухорий номидаги давлат стипендиялари таълим йўналишларидаги ўқиётган иқтидорли талабаларга берилади<sup>7</sup>.

Диссертациянинг **“Бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришда лойиҳалаштиришнинг амалий асослари”** деб номланган иккинчи бобида бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигида дастур ва дарсликлар таҳлили, такомиллаштириш тизимини лойиҳалаштиришнинг амалий шарт-шароитлари ҳамда лойиҳалаштириш босқичлари баён қилинган.

Педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак тарих ўқитувчиларининг тадқиқотчилик компетентликларини шакллантириш умумтаълим мактабларда тарих таълимининг замонавий ҳолатини кўриб чиқиш зарур ҳисобланади. Бу узлуксиз тарих таълимидаги узвийликдаги узилишларни бартараф этиш мақсадида педагогика олий таълим муассасаси “5110600-Тарих ўқитиш методикаси” йўналишида касбий методик тайёргарлик иши тизимини лойиҳалаштириш йўллари аниқлашга имкон беради.

Прогностик хусусиятга эга бўлган ва жамият ривожланиши тенденциялари, шунингдек, тарих фани ўқитувчиси мутахассислигига талабларни назарда тутган, педагогика олий таълим муассасасида тадқиқот иши доирасида ҳар бир талабани илмий ижодга жалб этиш комплекс тизимларини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш соҳасидаги педагогик вазифаларни ечишга ёрдам беради. Замонавий тарих ўқитувчиси касбий методик тайёргарлигини такомиллаштириш механизмларига қуйидагилар зарур:

ўзида илмий адабиётлар билан мунтазам танишиш эҳтиёжини тарбиялаш;

ижодий тафаккур қобилятини тарбиялаш;

турли хил илмий ишларни бажариш кўникмаларини ҳосил қилиш;

фан ривожланиши тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда оқилона ва узоқни кўзловчи қарорлар қабул қилиш санъатини ўрганиш.

Инновацион ёндашув асосида бўлажак тарих ўқитувчиларини касбий методик тайёрлаш жараёни имитацион технологиялари (тренинг, дебат, лойиҳалаш)га устуворлик бериш орқали такомиллаштиришни талаб этади.

Педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини лойиҳалаштиришда замонавий ёндашувларнинг ўтказилган таъсири, бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлиги, бошланғич босқичда педагогика олий таълим муассасасининг ўқув жараёнига илмий тадқиқот элементлари, келгусида эса – муаммо бўйича тарих таълими йўналиши бўлажак тарих ўқитувчисининг мустақил тадқиқотчилик фаолиятини жорий этишни назарда тутувчи касбий билимларни эгаллаш ва ижодий тадқиқотчилик фаолияти кўникмаларини шакллантириш жараёнини

---

<sup>7</sup>Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарорига 3-ИЛОВА.


тушунилади. Бунда педагогика олий таълим муассасаси тарих таълими йўналиши бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлик ишларининг вазифалари бўлажак тарих ўқитувчиларининг билишнинг илмий методларини эгаллашлари, ўз-ўзини тартибга солиши, режа асосидаги тизимли ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиши, касбий ва маданий дунёқарашини кенгайтириш, касбий методик тайёргарлик ишига қизиқишни уйғотиши ва унинг ижтимоий аҳамиятини тушунтириши, оммавий чиқишлар ва илмий муҳокамаларда иштирок этиш кўникмаларини эгаллаши, библиографик, рефератив, муаллифлик адабиётлари билан ишлаш кўникмаларини эгаллаши талаб қилинади.

Педагогика олий таълим муассасаси тарих таълими йўналиши бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлик ишларини такомиллаштиришни лойиҳалаштиришнинг концептуал қоидаси интеграция принципи ҳисобланади ва унинг амалга оширилиши унинг функцияларини, педагогика олий таълим муассасаси тарих таълими йўналиши бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлик ишларини такомиллаштиришнинг педагогик тизими барча компонентларини қайта қуришга талабларни бажариш орқали амалга оширилади (1-расмга қаранг):

Бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлик ишлари натижаси сифатида бўлажак тарих ўқитувчисининг шаклланган тадқиқотчилик компетентлиги хизмат қилади. Педагогика олий таълим муассасасида бўлажак мутахассиснинг ижодий фаоллигини шакллантириш вазифалари касбий методик тайёргарлик иши доирасида ҳар бир талабани илмий ижодга жалб этишнинг комплекс тизимини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш йўли билан ҳал этилиши лозим, бу эса мураккаблиги ошиб боровчи мустақил (намунавий бўлмаган) тадқиқотчилик лойиҳа вазифалари ёрдамида бўлажак тарих ўқитувчиларини узлуксиз, бутун таълим олиш даври давомида тайёрлашнинг ижодий йўналганлигини амалга оширишга имкон берувчи ўқитиш шаклларида фойдаланишни талаб этади.

Бўлажак тарих ўқитувчилари кичик курсларданок касбий методик тайёргарлик ишларига жалб этилишлари туфайли, ўқиш муддатининг якунида бўлажак тарих ўқитувчилари томонидан ўтказилган тадқиқотлар ҳажми бўйича аҳамиятли ва мазмуни бўйича бойитилган бўлиб боради. Шу тариқа, бўлажак мутахассиснинг тадқиқотчилик компетентлигини шакллантириш бўйича алоҳида ва параллел ташкил этилган махсус курсларни ишлаб чиқиш эмас, балки бир талабалар контингенти билан бутун ўқиш йиллари давомида муаммо бўйича олий таълим муассасасида ўқитиш шакллари тизимли ва изчил олиб бориш талаб этилади.





**1-расм. Педагогика олий таълим муассасаси тарих таълими йўналиши бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлик ишлари тузилмаси**

Бўлажак тарих ўқитувчисининг касбий методик тайёргарлик кўрсаткичлари даражаси когнитив, индивидуал, ижодий ташхис этиш компонентларига устуворлик бериш орқали баҳолаш портфолио технологиялари (диагностик, мотивацион, ривожлантириш, коррекциялаш) такомиллаштирилган. Бўлажак тарих ўқитувчиларини илмий ижодга жалб этишнинг энг самарали шаклини аниқлаш учун педагогика олий таълим муассасалари амалиётида энг кўп тарқалган шакллари кўриб чиқамиз. Ўқув жараёнида барча бўлажак тарих ўқитувчиларини қамраб олувчи уларнинг касбий методик тайёргарлик ишларининг анъанавий ва энг муҳим шакллари қуйидагилар ҳисобланади:

бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлик ишлари— илмий тадқиқотчилик тўғараклари, бўлажак тарих ўқитувчиларининг илмий жамиятлари яратилиши, бўлажак тарих ўқитувчилари кафедранинг илмий-тадқиқот ишларида иштирок этишлари;

тадқиқотчилик иши – курс лойиҳаси, курс ишлари, ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиёти, битирув малакавий иши, битирув малакавий лойиҳалаштириш. Бунда битирув малакавий иши олий таълим муассасасида ёш мутахассисларни тайёрлаш, эгалланган билим, кўникма ва малакаларни мустақил қўллаш ва ижодий ишларни текширишнинг якуний босқичи ҳисобланади.

Олий таълим муассасаси касбий методик тайёргарлик ишлари тузилмасига инновацион ўзгаришларни киритиш, педагогика олий таълим муассасасида бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлик

ишларини такомиллаштириш тизимини лойиҳалаштиришнинг амалий асоси ҳисобланган таълимнинг самарали ташкилий тузилмаси сифатида махсус курслар тизимини кўриб чиқиш заруратини асослаш лозим. Тадқиқот ишимизда «Шахс ва жамият ўқитиш методикасини ўқитишда интегрatív ёндашув», «Шахс ва жамият ўқитиш методикаси дарсларида иқтисодиёт масалаларини ўрганиш», «Тарих дарсларида тарихий ҳужжатлар ва бадиий адабиётлар», «Мактабда ҳуқуқий таълим тизимини шакллантириш методикаси», «Тарих ўқитиш методикаси йўналишида замонавий ахборот технологиялари» махсус курслар тизимини лойиҳалаштиришнинг назарий асосларининг таҳлилига ўтиш имконини берган.

Лойиҳалаштириш жараёнида фанлараро интеграция ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Фанлараро интеграция тўғрисида фикр билдирганда, биринчи навбатда бўлажак тарих ўқитувчисини ривожлантирувчи асос сифатидаги фанлараро интегрatív мазмунни назарда тутамиз. Фанлараро интегрatív мазмун остида мазмуннинг турли сифатли тизимлари асосида ўзаро сингиши тушунилади. Бу турли интеграция даражасига эга интегрatív курслар, интегрatív типдаги машғулотлар бўлиши мумкин.

Бўлажак тарих ўқитувчисини шакллантиришнинг жиҳатларидан бири мотивация ҳисобланади. Фанлараро интегрatív асосда қурилган ўқув жараёни эгалланган билимларнинг зарурлиги, ижтимоий аҳамиятини тушуниш, билишга оид қизиқишларни ва эҳтиёжларни қўллаб-қувватлаш, ўз дунёқарашини кенгайтиришга интилиш ва бошқалар ҳисобига таълим олувчиларнинг мотивациялари даражасини оширишга кўмаклашади.

Фанлараро интеграция ўқувчилар ва бўлажак тарих ўқитувчилари билимларнинг бир соҳасидаги қизиқишларини қондириш ҳисобига билимларнинг бошқа соҳасига шахсий мазмун бахш этиши мумкиндир. Бир фан соҳасининг мазмуни бошқа фан соҳасининг мазмуни орқали қадриятли бўлиб хизмат қилиши мумкин. Фанлараро асосда интегрatív мазмун интеллектуал ижодий тафаккурнинг ривожланиши учун муаммоли вазиятлар яратиш, фанлараро муаммоларни ҳал қилиш орқали катта имкониятларни яратади.

Тадқиқотда технологик интеграциянинг илмий мактаблар маданий муҳитида таълим ва тарбияни бирлаштириш орқали илмий таълимни шакллантириш, таълимни нафақат ўқитишнинг аудитория тизими орқали, балки бўлажак тарих ўқитувчиларига у ёки бу технологиялар (таълим технологиялари таълим муассасаларига таклиф этилади, ўқувчилар ёки талабалар томонидан танланади) таклифини эркин танлашда шакллантириладиган қизиқишлар бўйича гуруҳларда амалга ошириш, асосий ва кўшимча таълимнинг фан, ишлаб чиқариш, маданиятнинг турли бўлимларини ривожлантиришга кўмаклашуви, аниқ фаннинг таълим олувчи учун қизиқарли билим соҳалари билан интеграцияси (машғулот таълим олувчи учун шахсий аҳамиятли боғлиқ соҳалардаги диалогни куриш шаклида олиб борилади), фанлараро ҳамкорликнинг янги тамойилларини ишлаб чиқиш учун ахборот технологияларидан фойдаланиш, илмий таълимнинг

ажралмас ташкил этувчилари сифатида фан, маданият, таълимнинг интеграцияси муаммолари бўйича илмий-педагогик тадқиқотларни ўтказиш, минтақанинг фан, ишлаб чиқариш, маданияти муаммоларининг кўп қирралигини очиқ берувчи ўқув адабиётларини яратиш каби асосий йўналишлари аниқланган. Шунга кўра, педагогика олий таълим муассасаси касбий-таълимий ва касбий-тадқиқот тузилмалари доирасида фанлараро ўзаро алоқадорликнинг янги концепцияси яратилган.

